

---

## "ЯШИЛ МАКОН" УМУМИМЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ СЎХ ТУМАНИДА

### "ЯШИЛ МАКОН" УМУМИМЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ СЎХ ТУМАНИДА

"Яшил макон" умумимиллий лойиҳаси доирасида Сўх туманида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудларда, айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинлари, қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган субъектларга терак қаламчалари экиш жадаллик касб этган.

Туман ҳокимлигида ҳам ушбу йўналишда хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Туман ҳокими Сайидбаҳром Сайидмусаев ташаббуси билан туман ҳокимлиги ҳовлисида кўчат экиш ташкил этилиб, барча ходимлар иштирокида бодом дарахтининг кўчатлари ўтқазилди.

Маълумот учун: Шу кунгача туман ҳудудида қаламча экиш 358,6 минг донага, терак кўчати ўтқазилди 20,2 минг донага, мевали дархатлар кўчати 52,0 минг тўп, манзарали дархатлар кўчати ўтқазилди 5,9 минг донага бажарилган.

Сўх тумани буйича "Яшил макон" умумимиллий лойиҳаси доирасида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчаларнинг экиш ишлари давом этмоқда.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2022-04-15 16:53:12